

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ
ИНСТИТУТИ**

ПАРДАЕВ ХОФИЗ ҚАЛАНДАРОВИЧ

**БОҒ ҚАТОР ОРАЛАРИГА ТЕКИС ИШЛОВ БЕРАДИГАН ФРОНТАЛ
ПЛУГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Пардаев Хофиз Қаландарович

Боғ қатор ораларига текис ишлов берадиган фронтал плуг параметрларини
асослаш 3

Пардаев Хофиз Қаландарович

Обоснование параметров фронтального плуга для гладкой вспашки
междурядий садов..... 19

Pardaev Khofiz Kalandarovich

Substantiation of the parameters of the frontal plow for smooth plowing of
gardens..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ
ИНСТИТУТИ**

ПАРДАЕВ ХОФИЗ ҚАЛАНДАРОВИЧ

**БОҒ ҚАТОР ОРАЛАРИГА ТЕКИС ИШЛОВ БЕРАДИГАН ФРОНТАЛ
ПЛУГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/T531 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.qmii.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Эргашев Исмоил Ташкентович техника фанлари доктори, профессор
Расмий оponentлар:	Худаяров Бердирасул Мирзаевич техника фанлари доктори, профессор Темиров Исроил Ғуломович техника фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташилот:	“ВМКВ-Agromash” АЖ

Диссертация ҳимояси Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ҳузуридаги PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «29» апрель соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180100, Қарши ш., Мустақиллик кўчаси, 225-уй. Тел.: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz).

Диссертация билан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 180100, Қарши ш., Мустақиллик кўчаси, 225-уй. Тел.: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «16» апрель кун тарқатилди.
(2021 йил «15» апрель даги № 4 рақамли реестр баённомаси).



Ф.М.Маматов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Д.Ш.Чуянов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., доцент

З.Л.Батиров

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда энергия-ресурстежамкор ва иш унуми юқори бўлган тупроққа асосий ишлов бериш машиналарини ишлаб чиқиш ва қўллаш етакчи ўринни эгалламоқда. «Дунё бўйича мевали экинлар майдони 53,4 млн. гектарни ташкил этиб, шундан 7 млн. гектардан ортиғини зайтун, 20 млн. гектарни мевали боғлар, 1,8 млн. гектардан кўпроғини цитрус экинлари эканлигини»¹ ҳисобга олсак, иш сифати ва унуми юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор тупроққа ишлов бериш машина ва қуролларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бажариладиган барча операциялар ва жараёнлар бевосита энергия билан таъминланганлигига боғлиқ равишда ривожланмоқда ва у асосида боғ қатор ораларига асосий ишлов беришга мўлжалланган ресурстежамкор технологиялар ва техник воситаларни яратиш, мавжудларини такомиллаштириш ҳамда уларнинг илмий-техник асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, боғ қатор оралари тупроғини ҳар хил чуқурликда текис ишлов берадиган плуглар ва уларнинг ишчи қисмларини ишлаб чиқиш, технологик жараёнлари ва параметрларини асослаш йўналишларидаги ишларни келтириб ўтиш мумкин. Бу йўналишда қишлоқ хўжалигининг боғдорчилик тармоғида қўлланиладиган энергия-ресурстежамкор ҳамда иш сифати ва унуми юқори бўлган техникалар, жумладан боғ қатор ораларига ҳар хил чуқурликда текис ишлов берадиган фронтал плугларни такомиллаштириш, илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат ва энергия сарфини қисқартириш, ресурсларни тежаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотини замонавий технологиялар асосида етиштириш ва юқори унумли қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чоратadbирлар амалга оширилиб, жумладан, боғ қатор ораларига ишлов беришда кам меҳнат ва ресурс сарфлаб, барча технологик жараёнларни сифатли бажарилишини таъминлайдиган техник воситаларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш»² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда, жумладан боғ қатор

¹ <http://www.eurasiancommission.org/ru/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

ораларига асосий ишлов бериш жараёнида, шудгорланадиган боғ қатор оралари тупроғига ҳар хил чуқурликда, эгат ва марзаларсиз текис ишлов бериб, қатор ораларини белгиланган агротехник талабларга мос равишда шудгорлашни амалга оширадиган фронтал плугни яратишнинг илмий-техник ечимларини ишлаб чиқиш ва плугнинг юқори иш сифати ва ресурстежамкорликни таъминлайдиган параметрларини асослаш каби йўналишларда тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий-техникавий базани янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Боғ қатор оралари тупроғига ишлов бериш машиналарини ишлаб чиқиш ва қўллаш, улар ишчи қисмларининг параметрларини асослаш бўйича U.A.Rosaa, D.Wulfsohn, П.Ф.Евдокимов, А.Н.Юшков, А.Н.Медовник, З.А.Метлицкий, С.А.Твердохлебов, С.А.Горовой, Ю.С.Яновский, Г.Ю.Кулиев, С.Н.Хабаров, А.В.Пономарев, Г.Г.Пархоменко, А.Ю.Измайлов, плуг ишчи органлари билан тупроқнинг ўзаро таъсирлашиш жараёнларини ўрганиш бўйича Z.X.Zhang, R.L.Kushwaha, J.H.Zhang, F.C.Li, Z.Horvat, D.Filipovic, S.Kosutic, R.Emert, K.S.Lee, W.Y.Park, B.G.Kwon, A.K.Roul, H.Raheman, А.А.Цимбал, В.К.Дубино, Э.Б.Соболев, М.Н.Матвиенко, А.С.Прон, тупроққа эгатсиз текис ишлов бериш машиналарини ишлаб чиқиш ва қўллаш, улар ишчи қисмларининг параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар L.C.Kaufman, D.S.Totten, K.Shoji, В.А.Сакун, Б.М.Шмелев, Я.П.Лобачевский, В.В.Шаров, О.А.Сизов ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Республикаimiz шароитида боғ қатор оралари тупроғига ишлов бериш технологиялари ва техник воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш йўналишида А.Рыбаков, Р.И.Байметов, Ю.М.Джавакянц, Р.Абдуллаев, Т.Т.Ахмедов, А.У.Арипов, А.Т.Мусурмонов, эгатсиз текис ишлов берадиган плугларни яратиш ва қўллаш бўйича Ф.М.Маматов, И.Т.Эргашев ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Амалга оширилган тадқиқотлар асосида боғ қатор оралари тупроғига ишлов берадиган чуқур юмшатгичлар, диски машиналар, боғдорчилик плуглари, боғ қатор оралари ва тана атрофига ишлов берувчи иш қуроллари ишлаб чиқилган, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Аммо, мазкур тадқиқот ишларида боғ қатор ораларига ҳар хил чуқурликда текис ишлов берадиган плугни ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш масалалари етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд ветеринария медицинаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА–15–006 рақамли «Ўзбекистоннинг текислик ва тоғ-тоғолди ҳудудларидаги боғ қатор ерлари тупроқларига ишлов бериш учун энергия, ресурсларни ва намни сақловчи ҳамда эрозияга қарши техник воситалар яратиш» (2009–2011 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади боғ қатор оралари тупроғини текис ва ҳар хил чуқурликда шудгорлашни таъминлайдиган икки модулли фронтал плугнинг конструктив схемаси ва параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

боғ қатор ораларига ишлов бериш бўйича илгари олиб борилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлилий тадқиқ қилиш;

боғ қатор оралари тупроқларининг асосий ишлов бериш вақтидаги физик-механик, технологик хоссаларини ва уларнинг ўзгариш қонуниятларини аниқлаш;

боғ қатор оралари тупроғини текис ва ҳар хил чуқурликда шудгорлайдиган икки модулли фронтал плуг конструктив схемаси ва параметрларининг иш сифати ҳамда энергия сарфига таъсирини аниқлаш;

икки модулли фронтал плугнинг тажриба нусхасини ясаш, лаборатория ва дала синовлари натижаларини агротехник кўрсаткичларга мослигини қиёслаш;

икки модулли фронтал плугнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида боғ қатор оралари тупроғининг физик-механик хоссалари ва икки модулли фронтал плуг ҳамда унинг технологик иш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети боғ қатор ораларига текис ишлов берадиган фронтал плугнинг технологик иш жараёни кўрсаткичларини унинг параметрлари ва иш режимига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар ўтказиш жараёнида математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш усуллари ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

боғ қатор оралари тупроғини ҳар хил чуқурликда текис шудгорлайдиган, чап ва ўнг корпуслардан ташкил топган икки модулли фронтал плугнинг

конструктив схемаси ишлаб чиқилган ва унинг технологик иш жараёни асосланган;

фронтал плуг корпусларининг осма қурилмага нисбатан жойлашиш масофаси палахса юзаларининг миқдорига тескари пропорционал боғланганлиги асосланган;

фронтал плуг ишчи органларининг мақбул параметрлари тупроққа кам энергия сарфлаган ҳолда рационал таъсирини ҳамда горизонтал, бўйлама ва кўндаланг-вертикал текисликларда тўғри чизикли ҳаракатини таъминлайдиган аналитик боғланишлар асосида аниқланган;

ҳар хил чуқурликда текис шудгорлайдиган фронтал плугнинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичлари унинг параметрлари ва агрегат ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгаришини ифодалайдиган боғланишлар асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

боғ қатор ораларини ҳар хил чуқурликда текис шудгорлайдиган ва иш органларининг асосланган параметрларга эга бўлган икки модулли фронтал плуг ишлаб чиқилган;

икки модулли фронтал плугнинг мақбул параметрларида боғ қатор оралари тупроғини текис ва ҳар хил чуқурликда шудгорлаш сифати яхшиланиши, иш унумининг ортиши, меҳнат, энергия ва ресурс сарфларининг камайиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Амалга оширилган тадқиқотларнинг замонавий усуллар ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, боғ қатор ораларини ҳар хил чуқурликда текис шудгорлайдиган фронтал плугни ишлаб чиқиш ва унинг параметрларини назарий асослашда олий математика, назарий механиканинг асосий қоидаларига амал қилинганлиги, тажрибаларда олинган маълумотларга математик статистика усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги, олиб борилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган боғ қатор ораларини ҳар хил чуқурликда текис шудгорлайдиган фронтал плуги дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти боғ қатор оралари тупроғини ҳар хил чуқурликда текис шудгорлайдиган фронтал плуг ишчи қисмларининг ишлов бериладиган тупроқ палахсаси билан ўзаро таъсирлашиш жараёнларини, плуг ишчи қисмлари параметрлари ва уларнинг иш кўрсаткичлари ҳамда агрегатнинг ҳаракат тезликлари орасидаги боғланишларни ифодалайдиган аналитик ифодалар ва боғланишлардан шунга ўхшаш ишчи қисмларнинг параметрларини аниқлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган фронтал плуг боғ қатор ораларини ариқ ва марзалар ҳосил қилмасдан ҳар хил чуқурликда текис шудгорлаши ҳисобига ёнилғи ва бошқа харажатларни ҳамда меҳнат сарфини сезиларли камайишига ва юқори иш унумига эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Боғ қатор ораларини эгат ва марзаларсиз ҳар хил чуқурликда текис шудгорлайдиган икки модулли

фронтал плуг параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

боғ қатор оралари тупроқларини текис шудгорлаш учун янги плугга интеллектуал мулк Агентлигининг фойдали моделга патенти олинган (№ FAP 00735, 2012 й.). Натижада боғ қатор ораларини ҳар хил чуқурликда текис шудгорлайдиган фронтал плугнинг конструкциясини яратиш имконини берган;

боғ қатор оралари тупроғини марза ва эгатларсиз текис шудгорлайдиган икки модулли фронтал плуг академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий-тажриба станциясида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 3 июлдаги 02/023-969-сон маълумотномаси). Натижада боғ қатор оралари тупроғини текис шудгорлаш ҳисобига ёнилғи-мойлаш материаллари сарфи 20 фоизга камайган;

текис шудгорлашни таъминлайдиган икки модулли фронтал плуг Пастдарғом ва Оқдарё тумани фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 3 июлдаги 02/023-969-сон маълумотномаси). Натижада боғ қатор ораларини текис шудгорлашда меҳнат сарфи 15 фоизга камайиши таъминланган;

икки модулли фронтал плугни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (конструктив схема, техникавий шартлар ва чизмалар) «ВМКВ-Agromash» АЖ да лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 3 июлдаги 02/023-969-сон маълумотномаси). Натижада боғ қатор ораларини текис шудгорлайдиган икки модулли фронтал плугни ишлаб чиқариш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Ишланма VI Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси кўрғазмасида намойиш қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлигининг 3 та фойдали моделга патентлари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва

амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Масаланинг қўйилиши ва тадқиқот ишининг мақсади»** деб номланган биринчи бобида боғ қатор ораларига ишлов бериш технологиялари ва техник воситалари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил этилиб, улар асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг боғдорчилик хўжаликларида қатор ораларини шудгорлаш учун очик майдонларда ишлатиладиган плуглардан ва мавжуд боғдорчилик плугларидан фойдаланиб келинмоқда. Очик далаларни шудгорлаш учун мўлжалланган ва боғ плуглари тупроқ палахсасини бир томонга ағдариб ишлов бериши сабабли ҳар бир боғ қатор ораларида очик эгатлар ва тупроқ уюмлари ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган тупроқ уюмлари ва эгатларни текислаш учун қўшимча вақт, меҳнат, техника ва энергия сарфланишига сабаб бўлади. Бундан ташқари плуг корпусларининг бир хил чуқурликда ўрнатилганлиги ва агрегатнинг дарахтларга яқинлашиб ишлаши дарахтлар илдизи ва ҳосилли шохларининг жиддий зарарланишига сабаб бўлади.

Олиб борилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, агротехник талабларга биноан боғ қатор ораси ҳар хил чуқурликда шудгорланиши, очик эгатлар ва марзалар ҳосил қилмасдан текис ишлов берилиши энергия-ресурсларни тежаш имконини беради. Бунга боғ қатор ораларини ҳар хил чуқурликда текис шудгорлайдиган фронтал плугни қўллаш орқали эришиш мумкин.



Диссертациянинг **«Мевали дарахтлар ҳолатини ва боғ тупроқларининг физик-механик хоссаларини ўрганиш натижалари»** деб номланган иккинчи бобида дарахтларнинг илдиз, тана ва шох-шаббасининг ўлчамлари, қаторга ва дала юзасига нисбатан жойлашиши, қатор оралари тупроқларининг физик-механик хоссаларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ўтказилган ўлчашлар натижалари бўйича мевали 3, 4, 5, ва 8 ёшли дарахтларнинг ер устки қисми баландлиги мос равишда 1,95 м, 2,8 м, 3,2 м ва 3,5 м ни, штамб танаси баландлиги 39,82 см, 52,25 см, 50,65 см, 81,8 см ни, штамб диаметри 5,42 см, 6,89 см, 7,11 см, 16,45 см ни ташкил этади. Боғ қатор оралари тупроғининг 0 – 40 см қатламида намлик 16,6 – 21,2 % ни ташкил қилиб, тупроқнинг қаттиқлиги 1,54–3,47 МПа ва зичлиги 1,24–1,52 г/см³ ни ташкил этади. Тупроқнинг 0-30 см қатламда узилишга қаршилиги 21,1–44,4 кПа, силжишга қаршилиқ 38,3–51,1 кПа ва буралишга қаршилиқ 47,2–62,2 кПа ораларида бўлганлиги аниқланди.

Диссертациянинг **«Боғ қатор ораларига текис ишлов берадиган фронтал плугнинг конструктив схемаси ва параметрларини назарий асослаш»** деб номланган учинчи бобида боғ қатор оралари тупроғини ҳар хил чуқурликда текис шудгорлаш учун мўлжалланган плугнинг конструктив

схемаси, ишлаш принципи ва параметрларини асослаш бўйича назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган.


Ўтказилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили ва олиб борилган изланишлар асосида Ўзбекистон Республикасининг № FAP 00735 рақамли фойдали моделга патенти билан ҳимояланган, боғ қатор ораларини ҳар хил чуқурликда текис шудгорлайдиган фронтал плугнинг конструктив (1-расм) ва технологик иш жараёни схемалари ишлаб чиқилди (2-расм).




1-рама; 2-таянч ғилдирак; 3-осиш қурилмаси; 4-таянч-текисловчи ғалтак; 5-чап томонга ағдарувчи корпуслар; 6-ўнг томонга ағдарувчи корпуслар; 7 ва 8-заплужниклар

1-расм. Боғ қатор ораларини ҳар хил чуқурликда текис шудгорлайдиган фронтал плугнинг конструктив схемаси


Боғ қатор ораларига текис ишлов берадиган фронтал плугда ўзаро симметрик жойлаштирилган иккита қарама-қарши томонган ағдарувчи корпуслар битта модулни ташкил этади. Ўнг модуль чап модульга нисбатан $\Delta a = a_u - a_y$ миқдорда саёз ўрнатилади. Ўнг модуль тақиш қурилмасига нисбатан l_y , чап модуль эса l_u ($l_y > l_u$) масофада жойлаштирилади. Модульлар орасидаги масофа уларнинг қамраш кенлигига тенг.



I. Шудгор қилинадиган боғ қатор ораси



II. Боғ қатор орасининг икки хил a_y ва a_u чуқурликда плугнинг биринчи ўтишидан кейинги кўндаланг кесими




III. Боғ қатор орасининг ҳар хил чуқурликда текис шудгорлашдан кейинги кўндаланг кесими

2-расм. Боғ қатор ораларини ҳар хил чуқурликда текис шудгорлашнинг технологик жараёни схемаси

Боғ қатор орасини шудгорлашда дарахтлар ҳимоя майдони яқини саёз $a_{\check{y}}=0,15 - 0,18$ м чуқурликда ўнг модул билан, боғ қатор ўртаси чуқур $a_{\check{u}}=0,25 - 0,30$ м чап модул билан шудгорланади (2-расм).

Фронтал плугнинг асосий параметрларига қуйидагилар киради (3-расм):



3-расм. Фронтал плугнинг асосий параметрлари

b_k -корпуснинг қамраш кенглиги, м; b_n – битга корпусга тўғри келадиган тупроқ палахсаси кенглиги, м; Δb –палахсанинг корпус билан кесилмайдиган қисми, м; l_z – заплужник тумшуғидан корпус тумшуғигача бўлган масофа, м; l_z – корпус тумшуғидан таянч ғилдираги ўқигача бўлган масофа, м; l_u, l_y – осиш қурилмаси марказидан мос ҳолда чап ва ўнг модул симметрия ўқигача бўлган масофа, м; l_m –модуллар ораси-

даги масофа, м;

$l_{кат}$ –корпус тумшуғидан ғалтак ўқигача бўлган масофа, м; L_k, L_z – мос равишда корпус ва заплужникнинг узунлиги, м.

Тупроқ палахсаси кенглиги ағдариш жараёнида кирраларининг эзилишини камайтириш шарти билан $a_{\check{y}}=0,15 - 0,18$ м учун $b_n^{\check{y}}=0,48$ м, $a_{\check{u}}=0,25 - 0,30$ м учун $b_n^{\check{u}}=0,55$ м бўлиши аниқланди.

Тупроқ палахсасини ўз ўрнига ағдаришда палахсанинг буралиш узунлиги L_n палахса кўндаланг кесимлари юзаларининг бир-бирига нисбатан буралиш бурчагини белгилайди. Назарий тадқиқотларда чуқур шудгорландиган ҳудудда

$$a_n^{\check{u}}=0,25 - 0,30 \text{ м ва } b_n^{\check{u}}=0,55 \text{ м бўлганда } L_n^{\check{u}}=1,44 \text{ м.}$$

Саёз шудгорландиган ҳудудда

$$a_n^{\check{y}}=0,15 - 0,18 \text{ м; } b_n^{\check{y}}=0,50 \text{ м бўлганда } L_n^{\check{y}}=1,2 \text{ м,}$$

бўлиши аниқланди.

Корпуснинг узунлиги L_k палахсанинг буралиш узунлиги L_n га боғлиқ бўлиб, корпус палахсага $150-160^\circ$ га қадар ағдаргунича таъсир кўрсатади. Ундан кейин палахса ўзининг оғирлик кучи ҳисобига ўз ўрнига 180° гача ағдарилиб тушади, яъни

$$L_k=(L_n \cdot 150)/180^\circ.$$

Бу ифодадан саёз шудгорлайдиган корпус узунлиги $L_k^c=1,0$ м, чуқур шудгорлайдиган корпус узунлиги $L_k^{\check{u}}=1,2$ м ни ташкил этиши аниқланди.

Заплужник корпус томонидан ағдарилаётган палахсани корпус томонга силжитиш учун хизмат қилади. Палахсага корпус ва заплужникнинг ўзаро

мувофиқлашган ҳолда, яъни маълум фазаларда таъсир қилишини таъминлаш шарти билан қуйидагилар аниқланди:

– корпус тумшуғидан заплужник тутқичи тумшуғигача бўлган масофа ℓ_c чуқур ишлов берадиган корпус учун $\ell_c^u=0,20$ м; саёз ишлов берадиган корпус учун $\ell_c^c=0,10$ м бўлиши;

– корпус тумшуғидан заплужник қанотигача бўлган ℓ_3 масофа саёз шудгорлайдиган корпус ва заплужник учун $\ell_3^c=0,12$ м, чуқур шудгорлайдиган корпус ва заплужник учун $\ell_3^u=0,23$ м ни ташкил этиши асосланди.

Заплужникнинг узунлиги унинг палахса 160° га қадар ағдарилишигача таъсир этиш шартидан аниқланди: саёз ишлов берадиган корпус ва заплужник учун $L_3^c=0,95$ м, чуқур ишлов берадиган корпус ва заплужник учун $L_3^u=1,05$ м.

Модулларнинг осиш қурилмасига нисбатан жойлашуви уларнинг тупроққа ишлов бериш юзаларига пропорционал боғлиқлик шарти билан аниқланди. Ўнг модул $F_{\dot{y}}=2e_n^{\dot{y}} \cdot a_{\dot{y}}$, чап модул $F_u=2e_n^u \cdot a_u$ юзага ишлов беради (бу ерда $e_n^{\dot{y}}$, e_n^u – мос равишда ўнг ва чап корпусларга тўғри келадиган тупроқ палахсаси кенглиги). $F_{\dot{y}} < F_u$ бўлганлиги учун плугнинг раvon ҳаракатини таъминлаш мақсадида модуллар осиш қурилмасига нисбатан турли $\ell_{\dot{y}} > \ell_u$ масофада жойлаштирилади ва бунда қуйидаги шарт таъминланиши лозим

$$\ell_u + \ell_{\dot{y}} = B_u + e_n^{\dot{y}} + e_n^u, \quad (1)$$

бу ерда B_u – чап модулнинг қамраш кенглиги, м.

(1) ифоданинг бажарилиши шарти билан $B_u=1,1$ м, $e_n^u=0,55$ м, $e_n^{\dot{y}}=0,48$ м учун $\ell_u=0,66$ м ва $\ell_{\dot{y}}=1,47$ м эканлиги аниқланди.

Плуг таянч ғилдираклари плугнинг икки модулигидан келиб чиққан ҳолда модуллар олд томонига ва модул симметрия ўқлари бўйлаб, бўйлама йўналишда эса корпус томонидан кўтарилаётган палахсага таъсир этмаслик шарти билан корпуслар тумшуғидан $\ell_2 > 0,30$ м масофада жойлашиши аниқланди.


Фронтал плугнинг раvon ҳаракаланиши бўйлама–вертикал, горизонтал ва кўндаланг - вертикал текисликларда ўрганилди.

Бўйлама - вертикал текисликда плугга таъсир этадиган барча кучларнинг плуг оний айланиш марказига нисбатан моментлари тенгламасидан плуг таянч ғилдиракларига тушадиган вертикал юклама Q_z аниқланди

$$\begin{aligned} Q_z = & \frac{1}{x + \ell_Q} [G_{nn} (x + r_H \cos \alpha_H + \ell_G) + (R_z^u + R_z^{\dot{y}}) \cdot (x + r_H \cdot \cos \alpha_H + \ell_z) - \\ & - Q_3^u (a_u + h_H' + r_n \cdot \sin \alpha_n + z) - Q_3^{\dot{y}} (a_{\dot{y}} + h_H' + r_n \sin \alpha_H + z) - \\ & - Q_x (h_H' + r_H \sin \alpha_H + z) - R_x^u (a_u / 2 + h_H' + r_H \sin \alpha_H + z) - \\ & - R_x^{\dot{y}} (a_{\dot{y}} / 2 + h_H' + r_H \sin \alpha_H + z) - Q_x^k (h_H' + r_H \sin \alpha_H + z) - \\ & - Q_z^k (x + r_H \cos \alpha_H + \ell_k)], \end{aligned} \quad (2)$$

бу ерда G_{nn} – плугнинг оғирлик кучи, Н; $R_{xz}^{\dot{y}}$, R_{xz}^u , $Q_3^{\dot{y}}$ ва Q_3^u – мос ҳолда тупроқнинг ўнг ва чап модуллар корпусларига, ўнг ва чап заплужникларга

кўрсатадиган қаршилиқ кучлари, Н; Q_x^k, Q_z^k – тупроқнинг таянч-текисловчи ғалтакка таъсир кучининг ташкил этувчилари, Н; Q_x – тупроқнинг таянч ғилдиракларига реакция кучи, Н; r_n – трактор осиш механизми пастки тортқиси узунлиги, м; α_n – пастки тортқининг қиялик бурчаги, град; ℓ_G, ℓ_k – мос равишда корпуслар тумшуғидан плуг оғирлик марказигача ва ғалтаккача бўлган масофа, м; x, z – плуг оний айланиш маркази координаталари, м; h_n –



- 1) $a_q=0,26$ м, $a_{\ddot{y}}=0,16$ м; 2) $a_q=0,28$ м, $a_{\ddot{y}}=0,18$ м;
3) $a_q=0,30$ м, $a_{\ddot{y}}=0,20$ м.

4 - расм. Таянч ғилдиракларга тушадиган Q_z кучнинг тақиш механизми баландлигига h_n боғлиқлиги графиги

аниқланди.

Плугга горизонтал текисликда таъсир этувчи кучлар моментлари тенгламасидан плуг симметрия ўқидан осиш қурилмаси симметрия ўқигача бўлган масофани ифодаловчи қуйидаги тенглама олинди

$$\ell_n = \frac{Q_x^q \ell_q + 4R_x^q \epsilon_q + 2Q_k^q \epsilon_q - Q_x^{\ddot{y}} \ell_{\ddot{y}} - 2R_x^{\ddot{y}} (\epsilon_q + \epsilon_{\ddot{y}}) - Q_k^{\ddot{y}} (\epsilon_q + \epsilon_{\ddot{y}})}{2R_x^q + Q_k^q + Q_x^{\ddot{y}} + 2R_x^{\ddot{y}} + Q_k^{\ddot{y}}} \quad (3)$$

Олинган ифода MS Excel дастурида таҳлил қилинди.


Таҳлиллар натижасида ℓ_n нинг қиймати ўнг модулниң ишлов бериш чуқурлигига тўғри пропорционал, чап модулниң ишлов бериш чуқурлигига тесқари пропорционал равишда ўзгариши аниқланди. $a_{\ddot{y}}=0,16$ м, $a_q=0,3$ м ҳолатда $\ell_n = 0,4$ м ни ташкил қилган бўлса, $a_{\ddot{y}}=0,20$ м, $a_q=0,24$ м ҳолатда $\ell_n = 0,55$ м ни ташкил қилган. Модуллар $a_{\ddot{y}}=0,15$ м ва $a_q=0,25$ м чуқурликда ишлаганда $\ell_n = 0,60$ м бўлиши лозимлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Боғ қатор ораларига текис ишлов берадиган фронтал плуг параметрларини асослаш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқотлар услуби ва дастури, ишлаб чиқилган фронтал плуг ишчи органлари параметрларининг мақбул қийматларини, уларнинг ўзаро жойлашишини асослаш бўйича ўтказилган лаборатория ва дала тадқиқотларининг натижалари келтирилган.


Лаборатория тадқиқотларини ўтказишда тупроқ палахсаси кенглиги, шудгорлаш чуқурлиги, ҳаракат тезлиги, заплужник узунлиги, заплужникнинг корпусга нисбатан жойлашиши, плуг модуллари ва ишчи органлари ўзаро жойлашишининг палахсани ағдариш даражаси ҳамда тортишга қаршилигига таъсири ўрганилди. Лаборатория шароитида палахсанинг ағдарилиш даражаси рангли шашкалар усули ёрдамида баҳоланди.

Палахса кенглигининг рангли шашкаларнинг кўмилиш даражаси $З$ ва келтирилган тортишга қаршилик k га таъсири 5-расмда келтирилган.

Палахса қалинлиги 0,15 м бўлганда, палахса кенглиги v_n^y нинг ортиши билан шашкаларнинг кўмилиш даражаси 62 % дан 36,6 % гача камаяди (5, а-расм). Бунинг сабаби палахса қалинлиги кичик бўлганида ағдариш жараёнида у бўлақларга бўлиниб кетишидир.



а) $a_y=0,15$ м; $V=1,1$ м/с



б) $a_y=0,30$ м; $V=1,1$ м/с

5-расм. Корпуслар палахса кенглиги v_n^y , v_n^y нинг шашкалар кўмилиш даражаси $З$ ва келтирилган тортишга қаршилик k га таъсири


Палахса қалинлиги 0,30 м бўлганда v_n^y нинг ортиши рангли шашкалар кўмилиш даражасининг ошишига, келтирилган қаршилик кучларининг камайишига сабаб бўлади (5, б-расм). $v_n^y > 0,55$ да кўмилиш даражасининг пасайиши ва келтирилган қаршиликнинг ортишини палахсанинг ўз шаклини йўқотиши, бўлақларга бўлиниши натижасида корпус билан заплужник ўртасига уюлиши билан изоҳлаш мумкин. Энг юқори кўмилиш даражаси $v_n^y = 0,50 - 0,55$ м оралиғида кузатилди. Бу ораликда k нинг қиймати ҳам нисбатан паст бўлади.

Палахса қалинлигига қараб икки хил қонуният кузатилди. Саёз шудгорлашда $З$ нинг энг юқори қийматлари 0,45-0,50 м, чуқур шудгорлашда эса 0,50-0,55 м оралиғида бўлиши аниқланди.


Заплужникнинг корпусга нисбатан жойлашишини асослашда корпус тумшуғидан заплужник тутқичи тумшиғигача бўлган l_c масофа ва корпус тумшуғидан заплужник қанотигача бўлган l_z масофаларнинг рангли шашкаларнинг кўмилиш даражаси ва тортишга қаршилиги аниқланди (6-расм).

6-расмдан кўришиб турибдики, корпусдан заплужник қанотигача бўлган бўйлама l_z масофа палахсани ўз ўрнига ағдариш жараёнига сезиларли таъсир

кўрсатади. Запужникнинг корпусдан узоклашиши кўмилиш даражаси Z нинг ва келтирилган қаршилик k нинг ҳам камайишига олиб келади. Олинган натижалар асосида $\ell_3^c = 0,12-0,17$ м, $\ell_3^u = 0,28-0,33$ м қабул қилинди.



а) $a_y=0,15$ м; $V=1,1$ м/с



б) $a_u=0,30$ м; $V=1,1$ м/с

6-расм. Корпус тумшуғидан запужник қанотигача бўлган масофа ℓ_3 нинг рангли шашкалар кўмилиш даражасига (Z) ва тупроқнинг келтирилган қаршилиги (k) га таъсири

Лойихаланган корпус параметрларини оптималлаштириш.

Боғ қатор ораларига ҳар хил чуқурликда текис ишлов берадиган фронтал плугнинг палахса қалинлиги ва кенлиги (x_1, x_2) ҳамда корпус тумшуғидан запужниккача бўлган масофа (x_3) нинг мақбул қийматларини асослаш мақсадида Бокс-Бенкиннинг уч даражали ($-1; 0; +1$) B_3 режаси бўйича кўп омилли тажрибалар ўтказилди.

Баҳолаш мезони сифатида ўсимлик қолдиқларининг кўмилиш даражаси ҳамда корпуснинг тортишга қаршилиги қабул қилинди.

Тажрибалардан олинган натижалар бўйича ушбу регрессия тенгламалари олинди:

– ўсимлик қолдиқларини кўмилиш даражасини ифодалаш учун, %

$$Z = 86,8 - 0,075x_1 - 0,60x_2 - 0,8x_3 + 0,725x_1x_2 - 0,525x_1x_3 - 0,325x_2x_3 - 1,775x_1^2 - 3,26x_2^2 - 5,51x_3^2;$$

– корпусни тортишга тупроқнинг қаршилигини ифодалаш учун, кН

$$P = 3,625 + 0,525x_1 - 0,114x_2 - 0,015x_3 - 0,125x_1x_2 + 0,236x_1^2 + 0,186x_2^2 + 0,525x_3^2.$$

Олинган регрессия тенгламаларини ечиш орқали $a_y=0,15-0,18$ м чуқурликда шудгорлаш учун $v_n^y=49,7$ см ва $\ell_3^c=14,2$ см бўлиши аниқланди.

Плуг модулларининг трактор осиш қурилмасига нисбатан жойлашишини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, модулларнинг осиш қурилмасига нисбатан жойлашиши ℓ_y плугнинг ҳаракат йўналишидан четлашиши $\Delta\ell_i$ га сезиларли таъсир кўрсатади. $\ell_y=1,6$ м ўрнатилганда плугнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўнг томонга оғиб ҳаракатланиши натижасида $\Delta\ell_i=-3,8$ см ($a_y=0,15$ м; $a_u=0,25$ м) ни ташкил этди. Шудгорлаш чуқурлигининг $a_y=0,20$ м; $a_u=0,30$ м га қадар

ошиши бу четланишни $\Delta l_i = -7,2$ см гача оширади. l_y нинг кейинги қийматларида плугнинг чапга оғиши кузатилди, яъни $\Delta l_i = +9,2$ см гача ортди. Ўнг модул $l_y = 1,65$ м масофада жойлаштирилганда Δl_i энг кичик қийматларга эга бўлиб, $\Delta l_i = 1,0 - 1,6$ см ни ташкил қилди. У ҳолда $l_q = 0,50$ м ни ташкил этади.

Таянч ғилдираклар жойлашишининг фронтал плуг иш кўрсаткичларига таъсири бўйича ўтказилган тадқиқотларда таянч ғилдиракнинг жойи бўйлама брус орқали силжитиш йўли билан ўзгартирилди. Таянч ғилдираги ҳар бир модулнинг симметрия ўқи бўйлаб корпус тумшуғидан $l_k = 0,30$ м; $0,35$ м; $0,40$ м; $0,45$ м масофаларда жойлаштирилиб ўсимлик қолдиқларининг кўмилиш даражаси ва ишлов бериш чуқурлиги аниқланди. l_k нинг $0,30$ м дан $0,45$ м га ортганида ўнг модулда ҳам, чап модулда ҳам ўртача шудгорлаш чуқурлигининг ортиши кузатилди. Ўсимлик қолдиқларининг кўмилиш даражаси $l_k = 0,35$ м да энг юқори бўлди.

Корпус тумшуғидан таянч-текисловчи ғалтак ўқигача бўлган $l_{кам}$ масофа ғалтак тортқиларини ҳар 10 см масофага силжитиш орқали $1,4$ м; $1,5$ м; $1,6$ м; ва $1,7$ м масофаларда ўрнатилди. Ғалтакнинг корпус тумшуғидан $1,4 - 1,7$ м оралиғида ўрнатилиши ўнг модул ишига таъсири кам бўлиб, чап модулда ўсимлик қолдиқларининг кўмилиш даражасига сезиларли таъсир кўрсатди. $l_{кам} = 1,4$ м бўлганда $Z_q = 83,9\%$ ни, $l_{кам} = 1,5$ м бўлганда эса $Z_q = 90,6\%$ ни ташкил этиб, $l_{кам} = 1,4$ м ҳолатидан $6,7\%$ ортган. $l_{кам} \geq 1,5$ м ҳолатида ғалтак палахсага ағдариб бўлинганидан кейин таъсир кўрсатади. Натижаларга асосланиб $l_{кам} = 1,5$ м қабул қилинди.

Диссертациянинг «Боғ қатор ораларига текис ишлов берадиган фронтал плугнинг хўжалик синовлари натижалари ва унинг иқтисодий кўрсаткичлари» деб номланган бешинчи бобида боғ қатор ораларига ҳар хил чуқурликка текис ишлов берувчи фронтал плуг тажриба нусхасининг қисқача техник тавсифи, дала синовлари натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Синовларда ишлаб чиқилган қурилманинг тажриба нусхаси белгиланган технологик жараёни ишончли бажарди ва унинг иш кўрсаткичлари унга қўйилган агротехник талабларга тўлиқ мос бўлди.

Ўтказилган ҳисоблар шуни кўрсатдики, боғ қатор ораларини ҳар хил чуқурликда текис шудгорлайдиган фронтал плуг қўлланилганда тўғридан-тўғри (эксплуатацион) харажатлар $24,79$ фоизга камаяди. Бунда битта плугга мавсумий иқтисодий самара 28055345 сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

1. Ўтказилган таҳлиллар, боғ қатор ораларини шудгорлашда қўлланиладиган мавжуд плуглар, текис ишлов бериш қурилмалари ва улар иш қисмларининг конструкциялари асосида олиб борилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар боғ қатор ораларини талаб даражасида ҳар хил чуқурликда текис шудгорлашни таъминлайдиган фронтал плуг конструкциясини яратиш имконини берди.

2. Боғ қатор ораларига ишлов бериш технологиялари ва техник воситалар конструкциялари бўйича ўтказилган таҳлиллар ва тадқиқотлар шуни кўрсатдики, боғ қатор ораларини ҳар хил чуқурликда, ариқ ва марзаларсиз текис шудгорлаш йўли билан меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ишлов бериш сифатини яхшилаш имконияти яратилади.

3. Ўтказилган экспериментал тадқиқотлар боғ қатор ораларига ишлов беришда дарахтлар ўлчамлари, илдиз қисмининг жойлашиши, тупроқ физик-механик хоссаларининг ўзгарувчан бўлиши, дарахтлар штамп танаси баландлиги 0,52–0,82 м, штамп диаметри 0,05–0,16 м оралиғида, илдизларнинг дарахт танасидан 1 м узоқликда 0,2–0,4 м чуқурликда 31,85 % и жойлашганлиги, тупроқ намлиги 16,6–21,2 %, қаттиқлиги 1,54–3,47 МПа, зичлиги 1,24–1,52 г/см³, узилишга бўлган қаршилиги 21,1–44,4 кПа, силжишга қаршилиги 38,3–51,1 кПа ва буралишга қаршилиги 47,2–62,2 кПа оралиғида бўлишини аниқлаш имконини берди.

4. Боғ қатор оралари тупроғини ҳар хил чуқурликда, тупроқ палахсасини ўз ўрнига ағдариб, ариқ ва марзаларсиз текис шудгорлаш жараёнида минимал энергия сарфига ва юқори сифат кўрсаткичларига корпусларнинг қуйидаги параметрларида эришилади:

– саёз ($a_y=0,15-0,18$ м) шудгорлашда тупроқ палахсаси кенглиги 0,50 м, палахсанинг буралиш узунлиги 1,2 м, корпус тумшугидан заплужник қанотигача бўлган масофа 0,15 м, заплужник узунлиги 0,95 м;

– чуқур ($a_q=0,25-0,30$ м) шудгорлашда тупроқ палахсаси кенглиги 0,55 м, палахсанинг буралиш узунлиги 1,44 м, корпус тумшугидан заплужник қанотигача бўлган масофа 0,23 м, заплужник узунлиги 1,05 м.

5. Олиб борилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, фронтал плуг иккита – чуқур ва саёз шудгорлайдиган модуллардан иборат бўлиши, бу модулларнинг қамраш кенглиги $v_y=1,0$ м, $v_q=1,1$ м, модуллар орасида $v_q=1,1$ м кенгликдаги майдон қолиши, модуллар тракторга осииш қурилмаси симметрия ўқиға нисбатан ўнг модул симметрия ўқи $l_y=1,65$ м, чап модул $l_q=0,50$ м масофада жойлашиши, таянч ғилдираклар модуллар ўқи бўйлаб олдинда корпус тумшугидан $l_z=0,35$ м масофада жойлашиши, модуллар орқасида эса $l_{кам}=1,50$ м масофада таянч-текисловчи ғалтақларнинг жойлашиши агрегатнинг икки ўтишида (бориш ва қайтиш) боғ қатор оралари марказида кенглиги $2v_q=2,2$ м ҳудудни чуқур ($a_q=0,25-0,30$ м), қатор четларида икки томондан кенглиги $2v_y=2,0$ м бўлган ҳудудни саёз ($a_y=0,15-0,18$ м), дарахтлар қаторидан $\Delta=0,5-1,0$ м ҳимоя зонаси қолдирган ҳолда текис шудгорлаш имконини беради.

6. Ўтказилган ҳисоблар шуни кўрсатдики, боғ қатор ораларини текис шудгорлайдиган фронтал плуг қўлланилганда тўғридан-тўғри (эксплуатацион) харажатлар 24,79 фоизга камаяди. Бунда битта плугга мавсумий иқтисодий самара 28055345 сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРШИНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ЭКОНОМИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРНОЙ
МЕДИЦИНЫ**

ПАРДАЕВ ХОФИЗ КАЛАНДАРОВИЧ

**ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ ФРОНТАЛЬНОГО ПЛУГА ДЛЯ
ГЛАДКОЙ ВСПАШКИ МЕЖДУРЯДИЙ САДОВ**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.1.PhD/T531.

Диссертация выполнена в Самаркандском институте ветеринарной медицины.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу: www.qmii.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Эргашев Исмоил Ташкентович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Худаяров Бердирасул Мирзаевич доктор технических наук, профессор Темиров Исроил Гуломович кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	АО «ВМКВ-Agromash»

Защита диссертации состоится «29» апреля 2021 г. в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.06.2020.T.111.02 при Каршинском инженерно-экономическом институте (Адрес: 180100, г. Карши, ул Мустакиллик, 225. Тел.: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского инженерно-экономического института (регистрационный номер 4). Адрес: 180100, г. Карши, ул Мустакиллик, 225. Тел.: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz.

Автореферат диссертации разослан «16» апреля 2021 года.
(Протокол рассылки № 4 от «15» апреля 2021 года).



Ф.М.Маматов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Д.Ш.Чуянов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., доцент

З.Л.Батиров

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире ведущее место занимает разработка и применение энерго-ресурсосберегающих и высокопроизводительных машин для обработки почвы. Если учесть, что «... в мировом масштабе площадь садовых культур составляет 53,4 млн. га, из них более 7 млн. га оливок, 20 млн. га фруктовых садов, более 1,8 млн. га цитрусовых посевов»¹, то важней задачей считается создание высокопроизводительных, энерго-ресурсосберегающих технических средств для обработки почвы.

В мире все операции и процессы в сельскохозяйственном производстве развиваются в прямой зависимости с энергообеспечением и на этой основе ведутся научно-исследовательские работы, направленные на создание ресурсосберегающих технологий и технических средств для основной обработки междурядий садов, совершенствование существующих и развитие их научно-технических основ. В частности, можно привести работы по разработке плугов для разноглубинной гладкой вспашки почв, их рабочих органов, обоснованию их технологических процессов и параметров. В связи с этим актуальной задачей является совершенствование энергосберегающих, высокопроизводительных технических средств для садоводства, в частности совершенствование фронтальных плугов для разноглубинной гладкой вспашки междурядий садов и развитие их научно-технических основ.

В сельскохозяйственном производстве Республики приняты масштабные меры по снижению трудо и энергозатрат в сельскохозяйственном производстве, экономии ресурсов, выращиванию сельхозпродукции основе современных технологий и разработке высокопроизводительной сельскохозяйственной техники, в том числе особое внимание уделяется на разработке технических средств для обработки междурядий садов, обеспечивающих требуемое качество всех технологических процессов при минимальных трудовых и материальных затратах. В Стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы предусмотрено дальнейшее развитие сельского хозяйства, в частности, «...для модернизации и интенсивного развития сельского хозяйства дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие сети мелиоративных и ирригационных объектов, широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий, использование высокопроизводительной сельскохозяйственной техники»². При выполнении этих задач, в частности при основной обработке почвы междурядий садов, целесообразным является проведение исследований в таких направлениях, как разработка научно-технических основ создания фронтального плуга, осуществляющего разноглубинную гладкую вспашку междурядий без

¹<http://www.eurasiancommission.org/ru/>

²Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

развальных борозд и свальных гребней в соответствии с установленными агротехническими требованиями, обоснование параметров плуга, обеспечивающих ресурсосбережение и высокие качественные показатели.

